

## Ишончли дардкаш



11:10 / 29.12.2018 3878

### *Оиша онамизнинг зийракликлари*

Оиша онамиз розияллоху анҳо жуда ҳам зийрак инсон эдилар. У кишининг зийракликлари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг шаънларига оид ишларда яна ҳам ҳассослашиб кетар эди. Буни Оиша онамиз розияллоху анҳонинг яҳудийларнинг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга қарши ишлатган ҳийлаларини фаҳмлаб қолиб, уларнинг додини берганларидан билиб олсак ҳам бўлади.

Муҳаддислардан Ибн Абу Ҳотим Оиша онамиздан бундай ривоят қиладилар:

«Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига яҳудийлар кириб келиб:

«Ас-сому алайка, эй Абул Қосим!» (Яъни «Сенга ўлим бўлсин») дедилар.

Оиша онамиз уларга:

«Ва алайкум ас-сому», дедилар.

Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ҳой Оиша! Аллоҳ таоло фаҳш сўзларни хуш кўрмайди», дедилар.

Оиша:

«Уларнинг «Ас-сому алайка» («Сенга ўлим бўлсин»), деганини эшитмадингизми?» деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менинг «Ва алайкум» («Сизларга ҳам»), деганимни эшитмадингизми?» дедилар».

Яҳудийлар ҳар бир нарсада ҳийла ишлатиб, Расулуллоҳга ва мусулмонларга ёмонлик қилишнинг пайида бўлар эдилар. Ҳатто улар саломлашиш пайтида ҳам «Ас-салому алайкум» («Сизга тинчлик бўлсин») дейиш ўрнига тилларини буриб, «Ас-сому алайкум» («Сизга ўлим бўлсин»), деб сезилмайдиган қилиб айтишарди.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо зийраклик қилиб, уларнинг ўз гапларини ўзларига қайтарган эдилар.

\* \* \*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўпгина дардларини Оиша онамиз билан баҳамлашар эдилар. Оиша онамиз у зотнинг ишончли дардкаши эдилар.

Имом Бухорий ва Муслим раҳматуллоҳи алайҳим Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Бани Зурайқ яҳудийларидан Лубайд ибн Аъсам исмли бир яҳудий сеҳрлади. Ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир нарсани қилганликни хаёл қилар эдилар, аммо қилмасдилар.

Ниҳоят, бир куни ёки бир кечаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилдилар. Сўнгра яна дуо қилдилар. Сўнгра яна дуо қилдилар. Кейин:

«Эй Оиша, сездингми? Аллоҳ мен У Зотдан фатво сўраган нарсам ҳақида фатво берди. Ҳузуримга икки киши келди. Улардан бири бош тарафимга, бошқаси икки оёғим тарафида ўтирди. Бас, бошим тарафдаги икки оёғим тарафдагига ёки икки оёғим тарафдаги бошим тарафдагига:

«Бу кишининг дарди нима?» деди.

«Сеҳрлангандир», деди униси.

«Уни ким сеҳрлади?» деди.

«Лубайд ибн Аъсам», деди униси.

«Нима ила?» деди.

«Тароққа, тараганда тушган сочга ва эркак хурмодан қилинган идишга», деди униси.

«У нарса қаерда?» деди.

«Зу Арвон қудуғида», деди униси.

Бас, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан бир гуруҳ одам билан ўша ерга бордилар. Кейин (қайтиб келиб):

«Эй Оиша, Аллоҳга қасамки у(қудуқ)нинг суви ҳинонинг ивителиганига ўхшаб кетибди. У ердаги хурмолар худди шайтонларнинг бошларига ўхшайди», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, уни куйдириб юборганингизда эди», дедим.

«Йўқ. Менга Аллоҳ офият берди. Одамларга бирор ёмонлик қўзимасин, дедим. Амр қилдим, уни кўмишди», дедилар».

Бу ҳодиса ҳақида шунга ўхшаш бошқа ривоятлар ҳам бор. Уларда бу ерда зикр қилинмаган бошқа тафсилотлар ҳам зикр қилинган. Шунингдек, бу ривоят ва унда зикр қилинган ҳодиса ҳақида турли ихтилофлар ҳам бор.

Баъзи кишилар «Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламга сеҳр таъсир қилса, пайғамбарликларига футур етиб қолмайдими?» деган мулоҳазаларни ҳам қилганлар.

Муҳаққиқ уламоларимиз «Саҳиҳ ҳадисларда собит бўлган нарса инкор қилинмайди. Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламга нисбатан сеҳр

қилинганлиги маълум ва машҳур, лекин у зотга қилинган сеҳр пайғамбарликларига футур етказмаганлиги ҳам собитдир», деганлар.

Бу ўринда биз эътибор беришимиз керак бўлган нарсга Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга дардкаш бўла олиш фазллариidir.